

Наврўз – қадим қадриятлар таровати

Янгиланиш, яшариш фасли бошланди. Шукухли бу кунларда эса юртимизда Наврўз умумхалқ байрами кенг нишонланади. Наврўз — бунёдкорлик, бирдамлик ва ризқ-рўз байрамидир. «Наврўз» байрамига ҳам мана оз фурсат қолди. Юртимизда байрам шодиёнаси. Ўлкамизнинг барча чеккаларида Наврўз байрами кенг нишонланади. Мазкур байрамни тайёргарлик жараёни муҳташам Ҳумо Арена муз саройида кўтаринки руҳда бўлиб ўтмоқда. Бугун Тошкент ирригация қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтнинг “Ер ресурларини бошқариш” факультетининг 50 нафар талаба қизлари факультетнинг ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувовини Х.Эшова ҳамда институт хотин-қизлари кенгашининг раиси З.Хафизова ҳамроҳлигида фаол иштирок этишмоқда. Бугун репитеция жараёнини биринчи кунида иштирок этаётган талаба-қизларимиз, ўзларига берилган вазифани аъло даражада бажариб, кайфиятлари ҳам аъло даражада. Тайёргарлик жараёни юқори руҳда. Ўйлаймизки, биз кутган Наврўз байрами юқори даражада бўлиб ўтади. Барчани кириб келаётган Наврўзи олам билан табриклаймиз.



ТИҚҲММИ матбуот хизмати